



Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (11.976)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимизнинг энг сўлим ва баҳаво Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзуида маърифий-маданий ҳамда «Маҳалла кун» байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Шу кун миллий кадрларимиз тимсоли, халқимизнинг яхши кунларидан дарак бериб янговчи карнай- сурнай наволари барчани катта даврага чорлади. Озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўз-лигини, кадр- қиммати ва гурурини теран англаши учун чексиз имконият яратган Мустақиллик байрамини кенг нишонлаш, шу билан бирга Истиқлол туфайли ўз нуфузини қайта тиклаган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бораётган маҳаллар ўртасида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалла кун» — кўш байрам тантанасида сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, хурдиёримизнинг кундан кунга яшариб-яшнаб бораётгани, бу албатта ажодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган — Истиқлолимиз шарофати эканлигига тўхталиб, мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғлик буюк ва қадри экани, эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан ҳақли равишда фахрланасан эришини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий кадрларнинг эъозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва аъналарини оммалаштириш ва ривожлантириш борасида бир қатор хайрли ва эзгу ишлар амалга оши-

риланганлиги ҳақида ҳам фикрлар билдириб ўтилди.

Дарҳақиқат, юртимизда ўзаро тинчлик- тотувлик, миллатлар ўртасида ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанига садоқатли ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилётган ижтимоий лойиҳалар ушбу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Фан, адабиёт, санъат ва маданият намояндлари, Давлат мукофотлари совриндорлари, депутатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллалар раислари, фалолар, меҳнат фахрийлари, ибратли оилалар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда маҳаллалар ва улар қошидаги тўғарақлар фаолиятдан ҳикоя қилувчи кўргазмалар ташкил этилгани ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, ёшларнинг хунар эгаллашга қизиқишлари ошишига туртки бўлди, десак хато бўлмайди. Бободехқонлар томонидан етиштирилган, тилими тилини ёргудек қовун- тарвузлар, нон ва қандолат маҳсулотлари ярмаркаси эса тадбирга янада файз бағишлади.

Этиборлиси, шу кун маҳаллаларда намунали иш олиб бориб, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган турли танловларда голибликни қўлга киритган

маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, посбонлар сардори ва фаоллар диплом, қимматбахо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

— Шундай байрам кунларида озми-кўпми қилган меҳнатларимиз қадрлиниб, эътибор кўрсатилгани бизни янада катта ютуқларга эришишга ундайди, — дейди Ҳамаза туманидаги «Беҳизор» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сайёра Нишонава. — Бундан кейин ҳам оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, хотин-қизларнинг иқтисодий-хуқуқий маданиятини ошириш, ёшларни иш билан таъминлашга оид фаолиятини янада кенгроқ олиб боришга интиламан.

Тадбирда эл севган санъаткорлар Замира Суянова, Хайрулла Лутфуллаев, Азим Муллахонов, Сайёра Қозиева ва бир қатор бадий жамоалар ижросида Ватан, Истиқлол ва тинчликни тараннум этувчи шеърлар, жозибали куй ва кўшиқлар янграб, йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тадбирларидан лавҳалар Козим Улмасов олган суратлар

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида юртимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналарига атоқли ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, илмий ва академик доиралар ҳамда халқаро ташкилотлар вакилларида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган ютуқлари, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақидаги мулоҳазалар битилган мактублар келиши давом этмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ МАЪНАВИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТДИР»

Жумладан, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси ректори, тарих фанлари доктори, профессор, қатор халқаро академиялар аъзоси Евгений Бажанов Ўзбекистон жуда қисқа тарихий давр ичида кўплаб ютуқларга эришганини қайд этади.

Унинг фикрига кўра, «Бу, энг аввало Ўзбекистондаги сиёсий тизимнинг тўла барқарорлигида кўринади. Сиёсатдаги барқарорлик — бу энг муҳими. Барқарорлик бўлмаса, фаровон турмуш ва ривожланишга эришиш мушкул. Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодий соҳада улкан муваффақиятларни қўлга киритди, шунингдек мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида, «шок терапияси»ни қўллаш йўли четлаб ўтилган ҳолда, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш йўли танланди. Натижада бу Ўзбекистонда ижтимоий ва иқтисодий йўқотишлар бўлишининг олдини олди. Бугун мазкур мамлакат ўз қудратини босқичма-босқич оширмоқда, республика иқтисодиёти ривожланаётган ва албатта, бундан сўнг ҳам раванқ топиб бораверади.

Етакчи давлатларнинг кўплаб хорижий компаниялари Ўзбекистон бозорига фаолият олиб боришни ўзи учун муҳим, фойдали ва қизиқарли деб билишлари дунёдаги кўпгина давлатларнинг хавасини келтиради. Ўзбекистон таълим, маданият ва фан соҳасида яхши натижаларга эришди, чунки ўзбек халқи қадим маданият ва цивилизацияга эгадир.

Шунингдек, мамлакат ташқи сиёсат йўналишида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. Дунёнинг мураккаб минтақасида жойлашган ёш давлат бўлишига қарамастан, Ўзбекистон жажоннинг қатор етакчи давлатлари, хусусан, Россия, АҚШ, Хитой, Япония ва Европа мамлакатлари билан ҳам дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйган. Шу билан бирга, ўз қўшнилари билан яхши ва мустақам алоқада бўлиб, улар билан икки томонлама ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда».

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилоятида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Деҳқонобод туманида тежамкор электр лампалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда хориж технологияси ёрдамида 9 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланмоқда. Одатдаги чўлганма лампаларнинг ярқилик муддати 800 соатни ташкил қилса, бу лампалардан 10 минг соатгача фойдаланиш мумкин. 40 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланган корхонада кунга 6 мингтагача лампалар тайёрланмоқда. Кувватлар тўлиқ ўзлаштирилгач, бу кўрсаткич 10 минг донага етади.

• Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жорий йил якунига қадар 16 миллиард сўмлик ҳамда 4 миллион АҚШ долларилик 96 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жунни қайта ишловчи «Вуллен текс» масъулияти чекланган жамияти ана шу лойиҳалардан биридир. Мазкур корхонага хорижийнинг 100 миллион сўмлик технологик линияси олиб келиниб, ишга туширилди. Қўшимча 30 та иш ўрни яратилган «Вуллен текс»да ўтган қисқа муддатда маҳаллий хом ашёдан 420 тонна калава ил тайёрланиб, экспортга йўналтирилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «ККраси Тасс» масъулияти чекланган жамияти фаолият юрита бошлади. Ҳозир корхонада банкнинг 186 минг АҚШ долларилик кредити эвазига хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида шағал ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, ўнга яқин киши меҳнат қилаётган жамоада дастлабки 405 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

• Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Оникс-техназ» сервис» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна биттага кўпайди. Бу ерда полимер томёпқичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда корхона жамоасига банкнинг 50 миллион сўмлик кредити қўл келди. Натижада кўшимча 15 та иш ўрни яратилди. Шаҳарда шу каби лойиҳалар шарофати билан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг олти ойидаги нисбатан 126 фоизга ортиб, 71 миллиард сўмни ташкил қилди.

ЖАҲОНДА

• Швейцария миллий валютаси франк курсининг кўтарилиши мамлакат иқтисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис, Швейцария ҳукумати миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ўринларини сақлаб қолиш учун 2 миллиард франк ёки 1 миллиард 740 миллион евро миқдорда молиявий маблағ ажратишга қарор қилди.

• Лондон шаҳар маъмурияти ташаббуси билан бу ерда асаларичиликни тиклаш бўйича иш бошланди. Шаҳар марказидаги бинолардан бирининг устига асалари уяси ўрнатилди. Режага мувофиқ, Лондоннинг турли мавзёларида карида 50 та кичик асалари ҳўжаликларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда мактаблар ҳам фаол иштирок этяпти. Асалари парваришлашга ўқувчилар ҳам жалб қилинди. Улар бундай ишларни ҳеч кўркмай, катта қизиқиш билан бажаряптилар. Болаларга меҳнати эвазига эса асал берилади.

• Очликдан минглаб кишилар азият чекаётган Сомалида вабо эпидемияси тарқала бошлади. Ҳозирнинг ўзида мамлакат пойтахти Могадишо шаҳридаги энг йирик шифохонага 4 мингдан ортиқ киши ўткир ичак инфекциясидан шикоят билан мурожаат қилган. Тиббиёт ходимларининг маълумотига кўра, Могадишо шаҳрида камида 180 киши касалликдан вафот этган.

• Германиялик тадбиркор Адри Хартвилд югуриш учун жуда қулай бўлган кроссовка турини ишлаб чиқарди. Ҳозир ушбу махсус оёқ кийими Англияда сировдан ўтказилмоқда. Ушбу кроссовкага жойлаштирилган махсус платформа югуриш чоғида кишининг оёқларини шикастланишдан ҳимоя қилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, чопаётган пайтда асосий зарба оёқнинг товон қисмига тушади. Янги кроссовка югураётганда оёқ кафтнинг марказий қисмини фаол ишлатиш имконини беради.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲАР** Эндокринология диспансерида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган маънавий — маърифий тадбир Маънавият тарғибот марказининг Яққасарой туман бўлими томонидан ташкил этилди.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 324-мактабда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан «Таълим жараёнини такомиллаштириш ва унинг сифатини оширишдаги муаммолар ва ечимлар» мавзусида аънанавий август Кенгаши бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Шайхонтохур туман хотин-қизлар қўмитаси, «Раҳбар аёллар» клуби томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик — аёллар тақдирини» деб номланган «Эъзоз» маърифий-маданий давраси уюштирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мустақкам ҳуқуқий асос яратилган. Бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчил татбиқ этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини нафақат тадбиркорларга, балки кенг жамоатчиликка тушунтириш муҳим ва устувор вазифа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши эса соҳа ходимларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклатди. Бинобарин, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ҳам тадбиркорлар билан беvosита мулоқотлар ташкил этилиб, уларни қизиқтирган масалалар бўйича батафсил тушунчалар берилмоқда, муаммоларини ўз ўрнида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар прокуратурасида ўтказилган навбатдаги мулоқотда назорат – текширув идораларининг мутасадди ходимлари, жумладан, шаҳар солиқ бошқармаси, банк муассасалари, санитария ва ёнгиндан муҳофаза қилиш органлари, электр, иссиқлик энергияси, газ ва сув таъминоти хизматлари ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар прокурори Мирзохид Обидов тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари

ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга эътиборни қаратди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик фао-

Анжуманлар

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

лятининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган жами 14 та текширув натижаларига кўра, қонун бузилиши ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 19 та тақдимнома, ноқонуний қарорларга нисбатан 20 та протестлар киритилган, 29 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, 209 нафар шахслар расман огоҳлантирилган, кўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 12 та жиноят ишлари кўзгатирилган ва прокуратура арала-

шуви билан 138 нафар тадбиркорларнинг муаммолари ҳал этилган. Ҳозирги кунда прокуратура органларига ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашда амалий ёрдам беришни сўраб кўплаб тадбиркорлар мурожаат қилмоқда.

Анжуманда шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Зияев «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва моҳияти», Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Қ. Нуоров «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улар учун яратилаётган имтиёзлар», Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдуғани Мирзараҳимов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга оид солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар» каби қатор мавзуларда фикр юритиб, бугунги кунда давлатимиз томонидан иқтисодий-ётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшаётган тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот шарт-бериб ўтдилар.

Жойлардаги айрим ҳокимият органлари ва назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноўрин аралашувлар, тўсиқ бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ҳақида очик мулоқот юритишга, мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда кўплаб ўринли тақлифлар билдирилди.

Шахризода МУХСИМОВА

САЙЁҲЛИК СОҲАСИ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон – сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ушбу соҳани жадал ривожлантириш, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ринчи ярмида сайёҳлик хизматлари экспорти 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 29,9 фоиз ошди.

Соҳада шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор берилди. Юртимиз сайёҳлик салоҳиятини намойиш қилиш ва сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбекистон» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари – мегаинфо-турлар ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия,

Россия, Нидерландия, Венгрия, Сингапур ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг 214 сайёҳлик компанияси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш, иқтисодий фаолиятини янада кучайтириш доирасида сайёҳликни ривожлантириш, чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтиришга эришиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар келгусида ўзининг янада юксак самараларини бериши, шубҳасиз.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ МАЪНАВИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон – Россия муносабатлари ҳақида тўхталар экан, Е.Бажанов «Бизнинг миллий устувор йўналишларимиз халқаро хавфсизликни таъминлаш, терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш масалаларида бир-бирига мос келади ва кўплаб халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан Ўзбекистон билан Россия бир хил қарашга эга, — дея таъкидлади. — Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланмоқда ва бу дўстона алоқалар келгусида ҳам шундайлигича қолади, дейишимизга тўла асослар бор».

Иқтисодий соҳадаги ўзаро муносабатларга эътибор қаратиб, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси ректори бу борада барча йўналишларда муваффақиятга эришилаётганини қайд этди. «Биз транспорт коммуникациясини ташкил этиш соҳасида, энергетика ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Россия Федерациясида Ўзбекистондан келтирилган маҳсулотлар энг машҳур саналади ва Россия бозори Ўзбекистон учун доимо муҳим бозорлардан бири бўлиб қолади».

Ўзининг якунида Е.Бажанов Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан биродар ўзбек халқига ўзининг тилларини билдирди.

«Мен Россиядаги таълим муассасасининг вакили сифатида Ўзбекистонлик талабалар, аспирантлар билан кўп суҳбатлашаман, ўзбек профессорлари билан фикр алмашаман ва доимо уларнинг юксак интеллектуал салоҳиятларидан хайратга тушаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон давлатига мустақиллик байрами арафасида жаҳон миқёсидаги иқтисодий раванк, мамлакат халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман. Бундан минг йиллар муқаддам Бухоро, Самарқанд ва Ўзбекистондаги бошқа тарихий шаҳарлар цивилизация маркази бўлган ҳамда дунёга буюк олимлар ва шоирларни, илм-фан соҳасидаги етуқ мутахассисларни етказиб берган. Мустақил Ўзбекистон давлати мана шундай азим ва мустақкам асосга қурилган. Бугун у мамлакат раҳбариятининг тўғри, узқони кўра билган ва пухта сиёсати натижасида муваффақият билан ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг келгусида янги ютуқларга эришиши учун ана шу икки омил – тарих ва ҳозирги оқилона сиёсат бир-бирига уйғун бўлмоғи керак», деди у.

«Жаҳон» АА,
Москва

Қарор ва ижро БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмасининг бўлиб ўтган йиғилишида биринчи ярим йил якунлари сарҳисоб қилиниб, мамлакатимизда лизинг бозорини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Бугунги кунда лизинг корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва уларнинг негизда рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этишга маблағ сарфлашнинг самарали механизмидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизингнинг жадал ривожлантиришнинг муҳим омилли солик имтиёзларининг берилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг унга қизиқиши ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лизинг фаолиятини янада такомиллаштириш, молия бозори инфратузилма институтларини мустақкамлаш ва банкдан ташқари молия хизматлари соҳасида рақобатбардошликни ривожлантириш мақсадида 2011 йил 21 майда «Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси бош директори З.Мустафоев мамлакатимизда лизинг берувчилар ва олувчилар учун қулай бозор инфратузилмаси ва тегишли қонунчилик базаси шаклланишини таъкидлади. Бундан ташқари, лизинг бозорини янада кенгайтириш учун мунтазам кўлаймоқда. Улар орасида лизинг операциялари билан шуғулланадиган банклар, лизинг компаниялари ва кредит иттифоқлари ҳам бор.

Мамлакатимизда янги ички маҳсулот таркибида лизинг операциялари ҳажмининг йиллик ўсиши Ўзбекистонда лизинг соҳасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, 2011 йилнинг биринчи ярим йили якунларига кўра, мамлакатимизда лизинг бозорини умумий қиймати 265,5 миллиард сўмлик 4 мингдан ортиқ битимлар тузилган. Жами лизинг портфели 1202 миллиард сўмдан ошди. Ўтган йилга нисбатан лизинг хизматлари ҳажмининг ўсиш суръатлари қарийб 10 фоизни ташкил қилди.

«Компаниямиз лизинг хизматлари бозорининг фаол иштирокчиси саналади, — дейди «Ўзбекистон Интернэшнл АО» халқаро лизинг компанияси маркетологи Темура Юсупов. — Ўзбекистон бозорини 16 йилдан буён фаолият юритиб келмоқдамиз ва шу вақт давомида тўққизта ваколатхонамизни очдик. Яқин вақт ичида эса яна учта ана шундай ваколатхона ташкил этамиз. Биринчи ярим йилликда компаниямиз томонидан умумий қиймати 18 миллиард 441 миллион сўмлик 59 лойиҳа амалга оширилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



Янги ўқув йилига ТАРАДДУД

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналари яқинлашаётган айни кунларда мактаб ўқувчилари янги ўқув йилига ҳозирлик кўрмоқда. Таълим сифатини ошириш, ўғил-қизларнинг пухта билим олишида ўқув қуроллари, қўлланма ва анжомларнинг алоҳида ўрни бор. Юртимизда ўқувчиларни ушбу воситалар билан таъминлаш мақсадида мактаб бозорларини ташкил этиш яхши анъанага айланган

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 28 июлдаги «Мактаб ўқувчиларини 2011-2012 ўқув йилида дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қуроллари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»-ги 469-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимликлари, туман савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти билан ҳамкорликда пойтахтдаги 24 та умумтаълим мактабларида 1 августдан 1 сентябрга қадар мактаб бозорларининг фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда мактаб бозорларида ўқувчилар кийим-кечаклари, ўқув-ёзув қуроллари савдога қўйилган. Тошкент шаҳар ҳокимлигидан маълум қилишларича, пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда 300 дан зиёд ана шундай савдо шохобчалари хизмат кўрсатмоқда. Уларда йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда яқин тартибдаги тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар.

— 20 йилдан бери ёзги таътил вақтларида мактаб бозорлари ярмаркасида тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди асли касби ўқитувчи бўлган Хулқар Мухитова. — Олдинги йилларда нисбатан ҳозирда сотилаётган ўқув қуролларининг асарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва техник жиҳатдан жуда яхши ишлов берилган ҳамда арзон ва ҳамёнбоплиги билан харидордир. Бу ота-оналарнинг, қолаверса, ўқувчиларнинг ҳам талабларига мос.

Ўқув қуролларини харид қилишда болаларнинг талаблари ота-оналарникидан қолишмайди. Ҳаммаизга маълумки, дарс вақтида ўқувчиларнинг диққатларини бир жойга йиғишда ўқув қуролларининг аҳамияти катта. Келаганимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг билим олишга, изланишга бўлган қизиқишларини кўриб завқланасан, киши. Буни мактаб бозорларининг ўта гавжумлигидан ҳам яққол кўриш мумкин.

— Ҳукуматимиз томонидан ташкил этилган мактаб бозорлари аҳолига жуда манзур бўлмоқда, — дейди Хилола Ходжаева. — Уй бексима, 3 нафар фарзандим мактаб ўқувчиси. Мактаб бозорларининг ўқув қуролларининг турлари жуда кўп. Шунингдек, савдога чиқарилган сумка ва дафтарлар жилдидаги суратларнинг тарбиявий аҳамиятига, ўқув анжомларининг сифати ва кўринишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мактаб бозорларидан алоҳида ҳолда савдо қилувчи ўқув қуроллари шохобчаларида танлаш имконияти деярли йўқ. Бор нарсалар эса қиммат. Шунинг учун ҳам биз турмуш ўртоғим билан фарзандларимиз учун ўқув қуролларини махсус ташкил қилинган мактаб бозорларидан харид қилишни маълум кўрдик.

Нигора ТҮЛАГАНОВА

СУРАТДА: шахримиздаги мактаб бозорлари мана шундай гавжум.

«БИНО СЕРВИС» ИШГА ТУШДИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси хузурида «Бино сервис» филиали иш бошлади. Мазкур янги филиал зиммасига қатор муҳим вазифалар юклатилди.

— Компания балансидаги бинолар эксплуатациясини тартибга солиш, уларнинг санитария-гигиеника ва экологик ҳолатини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди филиал директори Асаджон Тоғаев. — Шунингдек, энергетик ресурслар таъминотини, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлашдек мақсадлар ҳам амалга оширилади. Ташкилий ишлар жараёни тугалланди. Эндиликда тасарруфимиздаги туртта бинога коммунал хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар (электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув, лифт хизмати) билан янги шартномалар тузилди. Ижарачилар билан тузилган шартномалар қайта кўриб чиқилди. Бинолар атрофида ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Умумқурилиш ва таъмирлаш-монтаж ишларининг кўнгилдагидек бўлишига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг, қисқа муддат ичида ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий ва иқтисодий соҳаларда улкан ютуқларни кўлга киритдик. Жумладан, ушбу даврда эришган энг улкан ютуқларимиздан бири, бу инсоният тарихи ва жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек халқининг кўп асрлик бой маданий меросини мазмунан янгитдан билиш, узққ йиллар давомида сохталаштириб келинган ҳақиқий тарихимизни ўрганиш ва амалда тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, жамиятда маънавий – ахлоқий покланиш жараёнларининг амалга оширилиши бўлди.

ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРДА ИШ ЮРИТИЛМОҚДА

Ўзбек халқининг ўзлигини англашида тарих фанининг ўзига хос алоҳида ўрни бор. Зеро, Ўзбекистон тарихи миллий ўзлигини англашнинг энг асосий воситасидир. Бизга маълумки, ҳаққоний далиллар асосида яратилган тарихгина ҳақиқий тарих бўла олади. Ҳаққоний тарихни ёритишда бир неча соҳалар қатори архивнинг ҳам ўрни бениҳоя каттадир.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан архив соҳасига жуда катта эътибор берилмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда архив ишларини янада ривожлантириш ва халқаро даражага кўтариш вазифаси илгари сурилди. Архивларнинг моддий-техника базаси яхшиланиши, замонавий архив биноларининг барпо этилиши, архив ходимларининг малакаларини ошириш мақсадида турли мамлакатларга юборилиши фикрининг исботидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси илмий техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ҳам Мустақиллик йилларида жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди.

Ҳозирда архив фондида 255 минг саклов бирлигидан зиёд ҳужжатлар сақлаб келинмоқда. Улар асосан саноат, қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги, транспорт, қурилиш, турар жой коммунал ҳўжалиги, маънавий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш муассасаларига тааллуқлидир. Шунингдек, архивда илмий техникавий ҳужжатлар, конструкторлик лойиҳалари ва бир қанча тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар ҳам сақланади. Булардан ташқари Республикада илм-фан соҳасининг ривожланишига ўз хиссаларини қўшган олимларнинг шахсий фондлари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг шахсий ҳужжатлари, фото суратлари, илмий ишлари давлат сакловига қабул қилинади ва сақланади.

Бугунги кунда архивнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш, архив ҳужжатларини электрон шаклга ўтказиш, архив ҳужжатларини эҳтиётлаш мақсадида нусха олиш бўйича юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, архивчилар ва иш юритувчиларни масофадан ўқитиш тизимини яратиш каби замонавий услубларда иш юритиш вазифалари йўлга қўйилмоқда.

Архив ходимлари юртимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида халқимизнинг бой маънавий мероси ҳисобланган архив ҳужжатларини бугунги кун ва келажак авлод учун етказиб беришдаги меҳнатлари билан ўзларининг камтарона хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Дилбар ЗОКИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси илмий техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий Давлат архиви директори



Кун кеча пойтахтимизда «Камолот» ЁИХ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Мусулмонлари

идораси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Ўзбектеатр» бирлашмаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш, улар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида илк бора «Истиқлол фарзандлари» фестивали ўтказилди.



Дарҳақиқат, бугун мустақил диёримиз илғор давлатлар қаторидан жой олди. Юртимиз ёшлари заминимизнинг исталган ерига бориб энг нуфузли олий ўқув йўлида таҳсил олиб, касб-хунар ўрганиб қайтиш имкониятига эга бўлдилар.

Мамлакатимиз ҳаётидаги шу каби самарали ислохотлар ҳамда соҳаларда қилинган ишлар билан келажак ағаларини яқиндан таништириш, уларда она Ватанга муҳаббат ва Истиқлолга садоқат руҳини янада кучайтириш, ҳар бир жабҳада фаоллигини ошириш, шунингдек, давлатимиз томонидан ёш авлодга яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитларни атрофича тушунириш, уларни мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш фестивалнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Тадбирда Республикаимизнинг барча вилоятларидан келган 700 дан ортиқ Ҳаракат етакчилари ва фаоллари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, лицейлар ўқувчилари, олий таълим муассасаси талабалари, давлатимиз ривожини учун ўз хиссасини қўшган, «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофотлари, «Шухрат» медали соҳиблари иштирок этдилар.

Ёшлар учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, нуфузли таълим даргоҳлари, миллий-маданий ҳамда маънавий қадриятларимизни акс этувчи гўшаларга саёҳатлар уюштирилди.

Икки кун давом этган фестивалнинг илк кун «Камолот» ЁИХ томонидан «Уч авлод учрашуви» дея номланди. Унда мустақиллик фарзандлари «Шахидлар хиббони» ёдгорлик мажмуаси ва «Қатагон қурбонлари»

музейига бориб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашида, дориломон кунларга етишимизда ўз хиссасини қўшган улуг ёшдаги отахон-онахонларимиз билан дилдан суҳбат қурдилар.

— Мустақиллигимизнинг йиғирма йиллик шукуҳи бутун Республикаимиз бўйлаб кезиб юрибди. «Шахидлар хотираси» майдони ёшлар ва кексалар билан тўлганидан бахтиёрман,

медали соҳиб Нодирбек Юсупов. — Мустақиллигимиз шарофати билан тенгдошларимизнинг халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини химоя қилаётганлигини кўриб, биз янада шижоатга, куч ва ғайратга тўлиб тошамиз. Бу каби ишлар бизларни янада билимли ва ҳаракатчан бўлишга ундайди...

Тадбир доирасида Республика

ишонч ва эътибор замирида устозларим кўмаги, «Камолот» ЁИХ ҳамда Ҳаракат қошида фаолият юритаётган «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг аҳамияти катта, — дейди «Бунёдкор» ёшлар телеклуби мутахассиси Ширин Абдуллаева. — Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз ёшлар учун катта имкониятлар яратилган. Юрт ишқиде ёнган ва буюк келажакимизни бунёд этиш йўлида интилган ёшлар учун давлатимиз томонидан билдирилган ишонч менга доимо ҳақиқий суянч ва таянч вазифини ўтайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Садоқат АСЛАНОВА
Козим Ўлмасов
олган суратлар

«Камолот»

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

— дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатагон қурбонлари» музейи директори, тарих фанлари доктори Бахтиёр Ҳасанов. — «Алвастикўприк» деб аталмиш мана шу жой бир вақтлар қаровсиз, аянчли аҳволда эди. Мустақиллигимиз шарофати билан бу жойлар тўлиқ ободонлаштирилди. Ўйлайманки, ўтмиш ҳақидаги тасавурларни ҳосил қилувчи ушбу муқаддас маскан ёшларнинг ўзларига керакли сабоқларни олиб, билимларини янада бойитишлари ва келажакда тинч-тотувликда ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етишлари учун яна бир асос бўлади.

— Мен Андижон вилоятидан келдим. Шунинг билан айтишим мумкинки, ёш бўлишимга қарамай қисқа вақт ичида ўзига хос муваффақиятларни қўлга киритдим, — дейди «Камолот» ЁИХ Андижон шаҳар бўлими Кенгаши раиси, «Шухрат»

ёшлари Ҳазрати Имом мажмуаси, Темирийлар тарихи Давлат музейи ҳамда Турин Политехника университетига саёҳат уюштирар эканлар, пойтахтимиз ҳақидаги тушунча ва тасавурларини янада бойитиб, ўзлари учун келгусида керак бўладиган маълумотларни билиб олдилар.

Энг қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқалар фестивалнинг иккинчи кунда кечди, десак муболага бўлмайди. Сабаби, шу кун эрта тонгдан «Мустақиллик ва эзгулик» мажмуасига гул кўйиш маросими ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳда ўтказилган бўлса, куннинг иккинчи ярмида юрт равнақи йўлида интилаётган ва турли соҳаларда ютуқларга эришган ёшларни «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишон билан тақдирлаш маросими ўтказилди.

— Мен ушбу юксак мукофот соҳиб бўлганимдан бахтиёрман. Ишонманки, менга билдирилган бу

ЮРАКЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон — она уйимиз,
Тинчликдадир фикр-уйимиз,
Жаранглайди кўшиқ-куйимиз,
Истиқлолнинг фарзандларимиз!

Юрақларда Ватан туйғуси,
Диёримиз порлоқ келгуси,
Она юртга тиргак бўлгуси,
Истиқлолнинг фарзандларимиз!

Еру кўкда, сарҳадда хушёр,
Метин сафда хизматга тайёр,
Евлар уйин қилгучи тор-мор,
Истиқлолнинг фарзандларимиз!

Мақсадимиз — эл осойиши,
Матлабимиз — эл қулоғиши,
Тинчлик, зафар — дил намойиши,
Истиқлолнинг фарзандларимиз!

Искандар РАҲМОН

Спорт янгилеклари

ИККИТА ГАЛАБА ВА БИТТА ДУРАНГ

Маълумки, Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги 18 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футбол бўйича Олий чемпионатида Ватанимиз шарафини химоя қилади.

Ушбу нуфузли турнирда фақат яхши натижаларга эришишга аҳд қилган Мусаев шогирдлари хабар бериб ўтганимиздек, Австрияда ўқув-йиғин машғулотида иштирок этишди. Машғулотлар доирасида учта ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Мухлисларни хурсанд қиладиган хабар шундан иборатки, ўртоқлик учрашувларининг иккитасида ёшларимиз зафар кучишди,

битта ўйинда дуранг натижа қайд этилди.

Дастлаб ёшларимиз Австриянинг «Нидерростерх» клуби ёшлари билан куч синашиб 1:1 ҳисобидаги дурангга рози бўлган бўлишса, Австриянинг «Мелик» С.К жамоасини 4:1, «Бургерванд» академияси ёшларини 5:0 ҳисобида мағлуб этиб, Тошкентга ёруғ юз билан қайтидилар.



ХОТИРА ТУРНИРИДА БОЛАЖОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Кейинги йилларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват тарзда вояга етишишида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида ўзбек спорт фидойиларини эъзозлаш ҳамда «Пахтакор-79» жамоаси хотирасини ёш авлод қалбига синдириш мақсадида ташкил этилган хотира турнири ҳам юқоридаги мақсад йўлида ташкил этилди.

— Ушбу мусобақа шахримиздаги спорт мажмуаларида футбол билан мунтазам шуғулланиб келаётган 2000 йилда туғилган болалар ўртасида ўтказилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг етакчи мутахассиси Махбуба Курбонова. — Мақсадимиз яшил майдонда тўп суриб, футболимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, чиройли

ўйинлари билан элимиз меҳрини қозонган, тақдирнинг ёзиғи билан авиация ҳалокатига учраб юлдуз мисоли самога сочилган сеvimли «Пахтакор» жамоасини хотирлаб, руҳини шод этиш, шу билан бирга ёшлар қалбига элимиз байроғини баланд кўтарган фахрийларни эъзозлаш ва хурмат-эҳтиром уйғотишга қаратилган.

Қатнашчиларга бир олам яхши таассуротларни ҳада этган ушбу хотира турнири иштирокчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳноза МУСЛИМОВА
СУРАТДА: хотира турнирида лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ДОНЛАР БИСОТИДАН

Қадим фозилардан Асмоий айтади: «Бир юз йиғирма ёшга кирган бир кишини кўриб, ундан сўрадим:

— Узоқ умр кўришингиз сабаби нима?
У киши:
— Ҳасад, кинчиликдан парҳез қилдим.
Мана шу хислатим узоқ умр кўришимга сабабчи бўлди, — деб жавоб қилди.
Ҳар десанг умримда ғамгин бўлмайин,
Қилма ҳеч кимга ҳасад ҳам тутма кин.

Ҳикоят қилишларича, бир даврада тил шундай кўп вайсадики, бош чидолмай, унга шикоят қилди:

— Намунча эзмаланмасанг?! Ахир, ўйла-санг-чи, эзмаланиб-эзмаланиб сен оғизга кириб кетасан-у мен касофатингга қоламан, маломат тошлари менга тегади.
— Э аҳмоқ бош, — деди тил, — сен ўзинг ўйламасдан мени гапиртирасан, уялганимдан оғизга кириб яширинаман-да.

Байт:
Тил илдамидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз нав маломату надомат ҳосил.

Битта давлатманд одам бойлигидан айрилиб, ночор кун кўрадиган бўлиб қолибди, бир доно ҳақимга шикоят қилибди:
— О отам, хону монимдан ажралдим, бутун бойлигим кўлимдан кетди, менга энди ҳаётнинг қизиғи қолмади.

Дона ҳақим унга таскин берибди:
— Эй бутам, сени эл-юрт танийди. Биласанми, давлатманд пайтингда чор-ночорларга ёрдам қўлини қўзиб, саховат билан ҳиммату муруват кўрсатгансан, ҳамма шу фазилатингни тилга тугиб, кадр-қиммат қиладди. Бойлигинг йўқолганига ачинма, у топилади, аммо эл-юртнинг кадр-қиммат қилишини йўқотиб қўйишдан эҳтиёт бўл. Унутмаки, дур-гавҳарларини йўқотган тасалли топгунча, кадр-қиммати янги йўқотган одам ўлгунча йиғлайди.

Луқмонун Ҳақим ўғлига насиҳат қилиб деди:
«Ўғлим, бир одам сенга тили бурро экани билан мақтанса, сен кам сўзла эканинг ва керак бўлган жойда сукут қилишинг билан мақтан. Ақли комил бўлган киши қисқа ва маъноли сўзлайди. Ўғлим, сен ҳам сўзлаш пайти ва шароитини топиб, оз-оз ва керакли сўзларни сўзла, маҳмадоналик қилма».

Жалолиддин Румий айтади: «Беадабнинг ёмонлиги фақат ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам зарар етказиши. Адабсизнинг устига келган офат, фалокат унинг адабсизлигидандир. Ҳар ким адабсизлик йўлига қадам қўйса, қайғу-ҳасрат ўтида қуяди».

Бир донишманддан сўрадилар:
— Одам учун ярашадиган либослар ичиде энг гўзали қандай кийим?
Донишманд айтди:
— Бу ахлоқ либосидирки, киши қиёфасини беэзайидиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бундан ортиқ гўзал либосни топиш қийин.

(Давоми бор)

УЎЗЎДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 24 август кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 22-24, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади. Республика ҳудуди бўйича ҳаво вақти-вақти билан бироз ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарбадан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим ҳудудларда шамолнинг тезлици секундида 15-20 метрга етиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 19-24, кундузи 36-41, шимолда эса 32-37 даража иссиқ бўлади. УЎЗЎДРОМЕТнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шарҳ ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратмади, ифлосланиш тағмиқдорли наст бўлади.

«GEMINI tours» МЧЖ (ИНН 300928022), жамият устав фондининг 72 000 000 сўмдан 7 243 830 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бир ой давомида Чилонзор-1, 15-уй, 26-хонадон манзили бўйича қабул қилинади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
296 тусла босилди.
Қишлоқ бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрирининг компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқидорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.